

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОФИҚНИ САҚЛАШ

ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ

БУИИМА ТОШКЕНТИРИКЛА

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК 615.454.1:615.024

Абдуллаева Шохид Шухратовна

Стоматологик фитопастанинг таркиби ва технологиясини ишлаб  
чиқиш ва баҳолаш.

5A 5110603 -Дори воситаларинингсаоат технологиясини

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар: профессор

Ф.ф.и.,проф.З.А.Назарова

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
KUTUBXONASI

*Илмий*  
"ТАСДИКЛАЙМАН"  
Назмишжонбаев К.С.  
Кафедра мудирини  
"19" 06 2013 й

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ  
БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР

Тошкент Фармацевтика институти ректорининг 2012й "15" февраль 10 -  
сон буйруғи билан тасдиқланган \_\_\_\_\_

Дору турлари Технологияси кафедраси бўйича  
ситоплоқлик ҳаволасте тарихи ва технологияси  
магистрлик диссертациясининг номи  
шкар қанди ва сиртими Божоқам  
мавзудаги магистрлик диссертацияси

Илмий раҳбар Қазарова З.А  
Ф.Ф. Кроп бошчилигида  
(илмий раҳбарнинг исми-фамилияси, лавозими, илмий даражаси ва илмий унвони)  
Абдуллаева Шоқира Илҳомовна томонидан  
(тингловчининг исми-фамилияси)

туғалланган ҳолда 2013 й "19" 06 да Дору турлари  
Технологияси кафедрасига дастлабки ҳимоя учун тақдим этилади.

Тадқиқот ишида Фармацевтика амалиётлари шкар қанди  
ўли дастлабки дору турлари, шкар, сиртими, ривожланиши,  
пародонит касаллиқи бўлиши тарихи ва дору турлари,  
араб ёғлари, шкар қанди, шкар қанди, шкар фойдаланилади  
Фармацевтика соҳаси, тиббиёт соҳаси бўйича чоп этилган адабиётлардан, замонавий усул  
ва услублардан ва х.к.)

Ишда Пародонит касаллиқи ривожланиши бошланғич ва  
ни кўрайтириши, БҲН пойтахтига киритилиши, ўли ҳара-  
лини киритилиши шкар турлари берилиши кузда тутилади

Ишда қуйидаги масалалар баён этилади:

- 1-боб Паста дору турлари ва пародонит касаллиқи  
(номи)
- 2-боб Шкар қанди ва шкар қанди шкар қанди  
(номи)

- 3-боб Қанди қанди шкар қанди шкар қанди  
(номи)
- ситоплоқлик технологияси шкар қанди  
ситоплоқлик таҳлил қилиши, шкар қанди шкар қанди,  
микробиология таҳлили шкар қанди, шкар қанди  
шкар қанди шкар қанди шкар қанди  
(сана, ой, йил)

Илмий раҳбар Қазарова З.А . Ф.Ф. Кроп  
(исми, фамилияси, илмий даражаси ва унвони)

Магистрант 2012 й " "февралда топшириқни қабул қилди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

## ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

### ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Факультет Дори воситаларининг  
саноат технологияси

Кафедра Дори турлари технологияси  
Ўқув йили 2011-2013

Магистратура талабаси Абдуллаева Шохид Шухратовна

Илмий раҳбар Назарова Зарифа Алимжанова  
Мутахассислиги Дориларнинг саноат технологияси

### МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

- **мавзунинг долзарблиги;** аҳолини самарадор ва безарар дори воситалари билан таъминланиши давлатимизнинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади.
  - **ишнинг мақсади ва вазифалари;** эман дарахти пўстлогининг қайнатмаси, газанда барги дамламаси, ханделия экстракти ва чаканда мойи асосида тайёрланган фитопада технологиясини ишлаб чиқиш, сифатини баҳолаш ва пародонтит касаллигида ишлатиш учун тавсия этишдир.
  - паста дори тури тўғрисида адабиётлардан маълумотлар тўплаш;
  - пародонтит касаллиги тўғрисида барча керакли маълумотлар билан танишиш;
  - стоматологик паста тайёрлаш босқичлари ва уларни сифатини баҳолаш усулларини ўзлаштириш;
  - фитопада хоссаларини ўрганиш ва фитопада таркибидаги таъсир этувчи моддаларнинг миқдорий тахлилини қилиш;
  - фитопастанинг микробиологик тозалигини баҳолаш.
  - **тадқиқот объекти ва предмети;** тадқиқотнинг объектлари сифатида эман дарахти пўстлогининг қайнатмаси, газанда барги дамламаси, ханделия экстракти ва чаканда мойи ишлатилди.
- Тадқиқотнинг предмети бўлиб, фитопастанинг асосини танлаш, тайёрлаш технологияси, сифатини назорат қилиш.

- тадқиқот услубияти ва услублари; изланишлар физик-кимёвий ва Давлат Фармакопеясининг XI нашрида келтирилган усуллар асосида бажарилди.

Пародонтит касаллигига қарши фитопада технологиясини ишлаб чиқилди. Пастанинг физик – кимёвий ва технологик хоссалари ўрганилди.

- тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти ва тадбиқи; пародонтит касаллигини даволашда дори воситалар сонини кўпайтириш мақсадида олинган натижалар ВФМни лойихасига киритиш ва дори турлари технологияси кафедрасининг ўқув жараёнига татбиқ этилади.

- иш тузилиши ва таркиби; магистрлик диссертацияси 68 саҳифага эга. Диссертацияда расм ва жадваллар келтирилган.

- бажарилган ишнинг асосий натижалари; стоматологик фитопада тайёрлаш технологияси ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш натижалари олинди.

- хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси; пародонтит касаллигида қўлланиладиган стоматологик фитопада тайёрлашда гидрофил асос олинди, физик-кимёвий ва технологик хоссалари ўрганилди, таркибидаги ошловчи моддалар, аскорбин кислотаси, витамин Е нинг миқдори аниқланди.

Илмий раҳбар

  
(ИМЭО)

Магистратура талабаси

  
(ИМЭО)

**MINISTRY OF HEALTHCARE OF THE REPUBLIC OF  
UZBEKISTAN**

**THE TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE**

Faculty: Industrial Technology of the Medicinal preparations  
Chair: Technology of Medicinal Forms  
2011-2013 academic years.

Master resident Abdullayeva Shokhida  
Shukhratovna  
Scientific adviser: Nazarova Zarifa  
Alimdjanovna  
Specialty: Industrial Technology of Drugs

**ANNOTATION OF MASTER DISSERTATION**

**Theme actuality:** Providing population with effective and safety medicinal forms is the main task of the government.

**Aim and tasks:** Developing phytopaste technology based on the Cortex Quercus decoction, Folia Urtica infusion, Handelia Trichophylla liquid extract, Hippophae oil and quality valuation recommending for using in parodontitis disease.

- gathering information about paste drug form;
- acquainting with necessary information about parodontitis disease;
- stomatologic paste preparing stages and assimilating valuation methods of their quality;
- studying phytopaste properties and quantitative analyzing acting substances in the phytopaste;
- valuation of microbiological purity of phytopaste.

**Subject and object of research:** There have been used Cortex Quercus decoction; Urtica leaves infusion, Handelia Trichophylla liquid extract and Hippophae oil as the objects of research.

The subject of research is a base selecting of phytopaste, preparing technology and quality control.

**Methods of research:** There have been made physical and chemical researches based on the methods given in State Pharmacopeia, edition XI. There has been developed the technology of phytopaste for treating parodontitis disease. There

have been studied physical, chemical and technological properties of the paste.

**Practical significance of the research results and its introduction:** ----- 4

There will be introduced receiving results to the educational process in the Chair of the Medicinal forms Technology and Bioactive Substances project. ----- 8

**Structure and composition:** ----- 11

Master dissertation has 68 pages. There are pictures and tables in the dissertation. ----- 17

**Results:** There have been received definition results of quality indications and stomatologic phytopaste preparing technology. ----- 17

**Common expression of conclusions proposals:** ----- 20

There has been obtained hydrophyle base in preparing stomatologic phytopaste for treating parodontitis disease; there have been studied physical, chemical and technological properties of the phytopaste: there have been determined the quantity of tanning substances , ascorbic acid and vitamin E in its composition. ----- 31

1. **Scientific adviser** ----- 31

2. **Master resident** ----- 35

3. ----- 39

4. ----- 45

5. ----- 45

6. ----- 45

7. ----- 53

8. -----

## МУНДАРИЖА

Баҳолаш	МУНДАРИЖА	36
	<b>Кириш</b>	4
<b>I. боб.</b>	<b>Паста дори турини таърифи, уларда ишлатиладиган</b>	
	<b>компонентлар таърифи, таснифи</b>	8
1.	Пародонтит касаллигида қўлланиладиган препаратларни	59
	адабиётлар бўйича таҳлили	14
2.	Пародонтоз касаллигини ҳалқ табобатида даволаш усуллари-	17
3.	Паста дори турини сифатини баҳолаш усуллари ва унинг	67
	ривожланиши	17
	<b>I боб бўйича хулоса</b>	20
<b>II. боб.</b>	<b>Объектлар таърифи ва ишлатилиши</b>	22
1.	Усуллар таърифи	30
	<b>II боб бўйича хулоса</b>	30
<b>III. боб.</b>	<b>Маҳаллий ҳом ашёлар: эман дарахти пўстлоғи, газанда</b>	
	<b>барги, ханделня суюқ экстракти, чаканда мойларидан</b>	
	<b>пародонтит касаллигига қарши мўлжалланган стоматологик</b>	
	<b>фитопаста технологиясини ишлаб чиқиш</b>	31
1.	Фитопаста таркибидаги доривор ва ёрдамчи моддаларнинг	
	мутаносиблигини ўрганиш ва танлаб олинган компонентларни	
	пастадаги концентрациясини белгилаш	31
2.	Танлаб олинган компонентлардан фитопастанинг	
	технологиясини ишлаб чиқиш	35
3.	Фитопастанинг сифатини таҳлил қилиш	39
4.	Фитопаста таркибидаги таъсир этувчи моддаларнинг чинлигини	
	ва миқдорини аниқлаш	45
5.	Фитопаста таркибидаги ошловчи моддаларни чинлиги ва	
	миқдорий таҳлили	45
6.	Фитопаста таркибидаги аскорбин кислота миқдорини аниқлаш--	48
7.	Фитопаста таркибидаги витамин E миқдорини аниқлаш-----	53
8.	Стоматологик фитопастанинг микробиологик тозаллигини	



**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Аҳолини самарадор ва безарар дори воситалари билан таъминланиши давлатимизнинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг хом ашё манбаси бойлигини ҳисобга олган ҳолда асосий эътибор кенг терапевтик таъсирга эга бўлган (адаптоген, яллиғланишга, микробларга, аллергияга қарши) ўсимлик хом ашёларидан субстанциялар ва тайёр дори турларини олишга қаратилган. Бу эса уларни кўпгина касалликларни олдини олиш ва даволашда тўлақонли ишлатилишига олиб келади. Шу билан бир қаторда Республика Соғлиқни сақлаш тизимида дори воситаларини чет элдан келтирилишини ҳам камайтиради.

Мана шундай ўсимликлардан бири халқ таъбиатида қадимдан ишлатилиб келинаётган, табиий, захираси етарли бўлган эман пўстлоғи (*Cortex quercus*), газанда барги (*Folia urticae*), чаканда мойи (*Oleum hippophaes*), туклибаргли ханделия (*Handelia trichophilla* Srenk, Heimerl, Ast.) доривор ўсимликларидир. Институт қошидаги фармакогнозия кафедраси олимлари томонидан туклибаргли ханделия ўсимлиги чуқур ўрганилиб, яллиғланишга қарши, спазмолитик дори воситаси сифатида тавсия этилган ва Ўзбекистон Республикаси Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан тиббиёт амалиётида ишлатиш учун рухсат олинган [ВФС 42 Уз – 0215 – 2004].

Ўсимликлар тўғрисида маълумот уни олдини олиш ва даволаш учун стоматологик фитопада мўлжалланган. Касаллик турли сабабларга кўра келиб чиқади: эндокрин ва юрак-қон томир тизими, ошқозон-ичак фаолияти, моддалар алмашинуви бузилишида, кўп ҳолларда витамин етишмовчилигида. Стоматологик фитопастанинг таркибидаги эман дарахти пўстлоғи қайнатмаси, газанда барги дамламаси, чаканда мойи, ханделия суяқ экстракт тишдаги ёпишиб қоладиган қолдиқларни камайтиради, милкни мустахкамлайди ва парадонтит милк касаллигини даволайди ва олдини олади.

Юқорида келтирилган доривор ўсимликлар қуйидаги таъсирга эга:

-Эман дарахти пўстлоғи - қон тўхтатувчи, буриштирувчи, яллиғланишга қарши, антисептик восита;

-Ханделия суюқ экстракти - шамоллашга қарши;

-Чаканда мойи - таркиби витаминлар комплекси, микроэлементлар, органик кислоталар ва БФМлар бой бўлгани учун пародонт тўқималарини тикланиш жараёнини тезлаштиради, яллиғланишга қарши, антисептик восита;

-Газанда баргининг дамламаси - қон тўхтатувчи, милкларни мустаҳкамловчи, қўшимча олдини олиш (профилактик) ҳимояси билан таъминлайди.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқотнинг объектлари сифатида эман дарахти пўстлоғининг қайнатмаси, газанда барги дамламаси, ханделия экстракти ва чаканда мойи ишлатилди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, фитопастанинг асосини танлаш, тайёрлаш технологияси, сифатини назорат қилиш, фармакологик ва микробиологик хоссаларини ўрганишдир.

**Тадқиқот мақсади.** Магистрлик диссертацияси ишнинг мақсади: эман дарахти пўстлоғининг қайнатмаси, газанда барги дамламаси, ханделия экстракти ва чаканда мойи асосида тайёрланган фитопаста технологиясини ишлаб чиқиш, сифатини баҳолаш ва пародонтит касаллигида ишлатиш учун тавсия этишдир.

**Тадқиқот вазифалари.** Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

-паста дори тури тўғрисида адабиётлардан маълумотлар тўплаш;

-пародонтит касаллиги тўғрисида барча керакли маълумотлар билан танишиш;

-фитопаста таркибидаги дори ва ёрдамчи моддалар таърифи, уларга қўйилган талабларни ўрганиш;

қўшимчадан, чунки тинч орастеб

-стоматологик паста тайёрлаш боскичлари ва уларни сифатини баҳолаш усулларини ўзлаштириш;

-фитопаста хоссаларини ўрганиш ва фитопаста таркибидаги таъсир этувчи моддаларнинг миқдорий тахлилинини ўтказиш;

-пародонтит касаллигида қўллаш учун тайёрланган фитопастанинг микробиологик тозалигини баҳолаш ва даволаш самарадорлигини аниқлаш;

-стоматологик фитопастанинг турғунлигини сақлаш давомида аниқлаш;

-стоматология амалиётида қўлланиладиган эман дарахти пўстлогининг қайнатмаси, газанда барги дамламаси, ханделия экстракти ва чаканда мойи асосида тайёрланган паста технологиясини ишлаб чиқиш ва меъёрий тахлил хужжатлар тузиш.

#### **Тадқиқотнинг асосий масалари ва фаразлари.**

-фитопаста таркибидаги доривор ва ёрдамчи моддаларнинг мутаносиблигини ўрганиш ва паста танлаб олинган таркибий қисмлари концентрациясини белгилаш;

-стоматологик фитопаста тайёрлаш технологияси;

-тайёрланган фитопастанинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш натижалари;

-фитопаста хоссаларини ўрганиш ва паста таркибидаги таъсир этувчи моддаларнинг миқдорий тахлилинини ўтказиш;

-пародонтит касаллигида қўллаш учун тайёрланган фитопастанинг фармакологик ва микробиологик фаоллигини баҳолаш;

-стоматологик фитопастанинг сақлаш муддатини белгилаш, яроқлилик муддатини, турғунлигини ўрганиш натижалари.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар тахлили.** Пасталарнинг таркибига оқартирувчи, боғловчи, бўкувчи моддалар ҳам қўшилади. Уларнинг миқдори меъеридан ортиқ қўшилиши, тиш пасталарининг тозаловчи хоссаларини пасайтириши мумкин. Тозаловчи моддалардан сувда эрувчанлиги яхши хусусият хисобланади, чунки тиш орасида эримайдиган моддаларни йиғилишини олдини олади.

**Тадқиқотда қўлланилган усулларнинг қисқача тавсифи.** Изланишлар физик-кимёвий ва Давлат Фармакопеясининг XI нашрида келтирилган усуллар асосида бажарилди.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Пародонтит касаллигини даволашда дори воситалар сонини кўпайтириш мақсадида эман дарахти пўстлоғининг қайнатмаси, газанда барги дамламаси, ханделия экстракти ва чаканда мойи асосида тайёрланган фитопаста технологиясини ишлаб чиқиб, олинган натижалар асосида ВФМни лойихасига киритиш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Пародонтит касаллигига қарши ишлатиладиган, таркибида: эман дарахти пўстлоғининг қайнатмаси, газанда барги дамламаси, ханделия экстракти ва чаканда мойи сакловчи фитопаста технологияси биринчи мартаба ишлаб чиқилди. Пастанинг физик – кимёвий ва технологик хоссалари ўрганилди ва таъсир этувчи моддаларнинг миқдори аниқланди. Фитопастанинг микробиологик тозалиги, фармакологик жихати синалди ва фитопастани саклаш шароитлари ўрганилиб, яроқлилик муддати белгиланди.

**Диссертациянинг таркибининг қисқача тавсифи.** Магистрлик диссертацияси 68 саҳифага эга. У кириш, адабиётлар шарҳи, 3 бобли тажриба қисмдан, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ишида 4 та расм, 11 та жадвал келтирилган. Адабиётлар рўйхати 54 манбаларни ўз ичига олади.

- абрэкине ишлатилган (тозилувчи моддалар);
- структура хосна қилувчи (теги хосил қилувчи);
- саклаш агентлари;
- қўшиқ хосна қилувчи (СФМ);
- корригентлар (теги, ҳид, ранг тузатувчилар);

## I – БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

### Паста дорн турини таърифи, уларда ишлатиладиган компонентлар таърифи ва таснифи

Оғиз бўшлигини парвариши учун асосан, тиш пасталари, тиш порошоклари ва тиш эликсирларидан фойдаланилади. Улардан энг кенг ишлатиладиган тиш пасталаридир. Тиш пасталари тиш ва милкларни парвариши учун мўлжалланган юмшоқ восита бўлиб, иккита катта гуруҳга таснифланади:

1. Кенг қўллаш учун мўлжалланган пасталар;

2. Тиббий-фармацевтик пасталар.

1. Кенг қўллаш учун мўлжалланган пасталар. Бундай пасталар тишларни ва оғиз бўшлигини гигиеник парвариши учун мўлжалланган бўлиб, махсус терапевтик хоссаларга эга эмас. Улар ёрдамида тишлар тозаланиши, оқариши ва оғиз бўшлигидаги турли ёқимсиз хидлар баргараф этилиши таъминланади.

2. Тиббий-фармацевтик тиш пасталари. Бундай пасталар фаол моддаларни сақлаши ҳисобига даволовчи ва профилактик таъсирга эга бўлади.

Тиш пасталари тиш ва милкларни парвариши учун мўлжалланган юмшоқ восита бўлиб, иккита катта гуруҳга таснифланади:

Тиш пасталарни рецептурасининг асосий компонентлари қуйидаги моддалардан иборат:

-абразив моддалар (тозаловчи моддалар);

-структура ҳосил қилувчи (гель ҳосил қилувчилар);

-намлантирувчилар;

-кўпик ҳосил қилувчилар (СФМ);

-корригентлар (таъм, хид, ранг тузатувчилар);

-консервантлар;   
 -озодалаштирувчи қўшимчалар.

**Абразив моддалар (тозаловчи моддалар).** Бундай моддалар пасталарнинг асосий компоненти бўлиб, тишларга тозаловчи, силлиқловчи таъсир кўрсатади. Улар тиш пасталар таркибига, кўпинча 35-55% гача қўшилади. Абразив моддалар сифатида кимёвий чўктирилган кальций ва магний карбонат, сувсизлантирилган кальций бифосфат ва унинг монодигидратлари, чўктирилган кремнезёмлар, алюминий гидроксиди ва бошқалар кенг қўлланилади. Уларнинг тозалаш фаоллиги заррачаларнинг шакли, катта-кичиклиги, қаттиқлигига, дисперслик даражасига боғлиқ. Ундан ташқари, улар тозаллиги бўйича юқори талабларга жавоб бериши ва нохуш ҳидли бўлмаслиги керак.

**Структура ҳосил қилувчи (гел ҳосил қилувчилар).** Улар тиш пасталарнинг керакли қовушқоқлигини, седиментацион турғунлигини оширади. Шу билан бирга тиш пасталарнинг тозаловчи ва силлиқловчи таъсирини таъминлайди. Асосан улар 2% гача қўшилади. Структура ҳосил қилувчилар сифатида табиий ва синтетик гидроколлоидлар қўлланилади. Табиийлардан: натрий альгинат ва каррагенат, ўсимлик камедлари; синтетикларидан: натрий карбоксиметилцеллюлоза, гидрокси-этилцеллюлоза, целлюлозанинг оксиэтилланган этил ва метил эфирлари кенг қўлланилади.

**Намлантирувчи моддалар.** Бу моддалар пластик тиксотроп массани ҳосил бўлиши, тиш пасталарни тубалардан осон чиқиши, ҳосил бўладиган кўпикни турғунлигини яхшилаш мақсадида киритилади. Ундан ташқари улар тиш пасталарни қуриб кетишини олдини олади ва музлаш ҳароратини оширади. Асосан шу вазифани глицерин, сорбит, полиэтиленгликоль, ксилит, канақунжут мойи бажаради. Уларни миқдори кўпинча 3-20% атрофида бўлади.

**Кўпик ҳосил қилувчилар (СФМлар).** Улар тиш пасталарнинг турғунлигини таъминлаш, қаттиқ заррачаларни (асосан абразив

моддаларнинг) диспергирлаш мақсадида қўшилади. Шу билан бирга СФМ намлаш ва қўпик ҳосил қилувчи хоссаларга эга. Кўпинча тиш пасталарда ализарин мойи, алкилсульфатларнинг натрийли тузлари ва бошқалар қўлланилади. Қўшиладиган СФМ миқдори 1,5-13% ни ташкил этади.

Пасталарнинг таркибига оқартирувчи, боғловчи, бўкувчи моддалар ҳам қўшилади. Уларнинг миқдори меъёридан ортиқ қўшилиши, тиш пасталарининг тозаловчи хоссаларини пасайтириши мумкин. Тозаловчи моддалардан сувда эрувчанлиги яхши хусусият ҳисобланади, чунки тиш орасида эримайдиган моддаларни йиғилишини олдини олади.

### **Корригентлар.**

1. Ширин таъмини таъминловчилар. Бу моддалар тозаловчи моддаларнинг нохуш таъмини яхшилаш учун мўлжалланган. Бунинг учун сахарин ва натрий цикламатлар кенг қўлланилади.

Кўпинча корригентлар карбонатлар асосида тайёрланган тиш пасталарга киритилади. Фосфатлар асосида тайёрланган пасталарда корригентлар миқдори қамрок бўлади. Ширин таъмини таъминловчи моддалар тиш пасталарга 0,1% атрофида киритилади.

2. Ҳидни ва таъмини корригирловчи моддалар. Савдо нуқтаи назаридан тиш пасталарининг хушбўйлиги катта аҳамиятга эга. Шунинг учун тиш пасталарга 1-1,5% атрофида ароматик эссенциялар қўшилади. Кўпинча ялпиз, долчин (корица), қулупнай, маймунжон (малина), эвкалипт, арпабодиён (анис), бичиннигул, атиргул эссенциялари ишлатилади.

**Буёвчи** моддалар. Тиш пасталарида озиқ-овқат саноатида ишлатишга рухсат этилган буёқлар қўлланилади: хлорофилл, кармин, эритрозин, лаккармин эозин ва бошқалар.

**Консервантлар.** Тиш пасталарнинг таркибидаги намловчи ва бўкувчи моддалар микроорганизмларнинг ривожланишига шароит яратади, бу эса консервантларни қўшиш заруриятини туғдиради. Мўътадил консервантлар

Яллиғланишга қарши фаоллигини таъминлаш мақсадида қуйидаги моддалар қўшилади:

- стероидлар (триамцинолон, бетаметазон, дексаметазон, преднизолон);
- айрим кислоталар: полифосфор, монофторфосфат, малон ва уларнинг тузлари;
- оғиз бўшлиғида яллиғланишни олдини олувчи, қонашни камайтирувчи ўсимлик табиатли БФМлар (экстрактлар, дамламалар, настойкалар).

### **Тиш пасталарининг тайёрлаш босқичлари.**

Тиш пасталарнинг технологик жараёни қуйидаги асосий босқичлардан иборат:

1. Ишлаб чиқариш жараёнида санитария тартибларини таъминлаш;
2. Ҳом ашё ва ёрдамчи материалларни тайёрлаш:
  - Тортиш;
  - Майдалаш;
  - Элаш;
  - Эритиш (эрувчан компонентларни эритиш);
3. Тиш пастанинг компонентларини аралаштириш;
4. Гомогенизациялаш;
5. Стандартлаш (тайёр маҳсулотни);
6. Тайёр маҳсулотни қадоқлаш, жиҳозлаш, ёрликлаш.

Рецептуранинг мураккаблигига кўра, компонентларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, технологик жараёнларга турли қўшимча операциялар киритилиши мумкин. Барча босқичлар ва операциялар назорат қилиниб турилади.

1. Ишлаб чиқариш жараёнининг санитария ҳолати тасдиқланган МХ асосида таъминланади.
2. Тиш пасталарнинг таркибига кирувчи компонентлар, жиҳозлар, автокарлар ёрдамида келтирилади ва керакли миқдорда тортилади.

3. Майдалаш жараёнида кукунсимон пасталарнинг компонентлари тегирмонларда, кўпинча 150 мкм ўлчамдаги заррачаларгача майдаланади.

4. Эритиш жараёнида тиш пасталарнинг эрувчан компонентлари (консервантлар, буёқлар, хушбўйланттирувчилар, БФМ лар) эритилади.

5. Тиш пасталарнинг компонентларини аралаштириш жараёни ковушқоқ муҳитга мослашган турли аралаштиргичлар (планетар, якорли, хаскашли) билан таъминланган реакторларда амалга оширилади. Айрим ҳолларда бу жараён хамираралаштириш (қориш)га мўлжалланган машиналарда ҳам олиб борилиши мумкин.

**Тиш пасталар умумий технологияси.** Реакторга ёки машинага олдин кукунсимон компонентларнинг бир қисми жойлаштирилади ва аралаштириб турган ҳолда, барча суюқ компонентлар қўшилади. Суюқ компонентлар бўлса уларни озгина иситиш лозим. Яхши тарқалишини таъминлаш учун буёқларни ҳам шу суюқликларда эритиш тавсия этилади. Аралаштириш жараёнини давом этган ҳолда қолган порошоклар қўшилади. Охирида тиш пасталарга корригентлар қўшилади ва масса гомогенлаштирилади. Тайёр паста таҳлилдан сўнг машинадан олинади ва тубаларга қадокланади[37].

Ташқи кўриниши билан кўзга кўринган, таъминланган муҳитда боғлиқлик бўлиши ва яна суюқ тиш компонентлар қўшилади, кейин эса тушилади. Паралонтида ҳам тиш микрофа тўқималари тарқалиши ёқин ядросининг кўпайиши, қониш, қўлларни бўлиши. Тиш микрофа тўқималари (паралонти) ҳудуддаги сабаблар таъминотида кўрилади: оғиз бўлишиги гигиенага тўғри ривож кўрилади, сифатли оғиз, қонли, оғиз ва витаминлар етишмаслиги, касаллик мўлжалли, тишлар (тишларнинг) бўлиши, қўлларнинг, стресс, нотўғри таъминот, гигиена боғлиқлари, таъминот, қўлларнинг таъминот ва зарарли ҳолатлар, бунга тўғри, оғиз юмшак тўқималари ялғизлиги, моддалар таъминоти бўлиши, бер ёки бир нечта тишларнинг йўқлиги, гормонлар бўлиши, оғизнинг, буйрак касалликлари. Паралонтида кўп ҳолларда таъминот ялғизлигидан, таъминот ва паралонтидан сўнг кўлиб

## 1. Пародонтит касаллигида қўлланиладиган препаратларни адабиётлар бўйича таҳлили

Маълум бўлишича тишлар организмнинг ички бузилишларига жавобан аниқ ўзгаришларга учраётган экан. Ҳар бир тиш маълум бир ички аъзоннинг касаллигига ишора қилар экан. Москва стоматология МИТИ профессори Геннадий Банченконинг фикрича жигар пастки сўйлоқ (қозик) тишларга, ошқозон ости беши кичик илдиз тишларга, оёқ бўғимлари пастки ва юқори жағларнинг олдинги тишларига тўғри келар экан[3,4]. Ошқозон ёки ўн икки бармоқли ичак яраси касаллигида милкларнинг пародонтоз касаллиги кўп учраётган экан. Ошқозон яраси касаллигида тишларда жуда кўп тошлар кузатилади. Кариес мигрень касаллиги сабабчиси бўлиши ва бунда тишнинг ўзи оғримаслиги мумкин. Маълум бўлишича тишни ўраб турувчи тўқималар касалликлари дунёда 75% одамларда учраётган экан. Бу касалликларнинг асосийлари 2та-пародонтит ва пародонтоз. Пародонтит-бу тиш атрофи тўқималарининг ва милкларни яллиғланиши ва қонашидир. Пародонтит касаллигининг хавфли томони тишларни тушиб кетишидир. Кейинги навбатда сўлак қуюқлаша бошлайди. Тиш илдизи билан қизарган, шишган милклар орасида боғлиқлик бузилади ва аста секин тиш қимирлаб қолади, кейин эса тушади. Пародонтозда ҳам тиш атрофи тўқималари зарарланади лекин яллиғланиш яъни шиш, қонаш, қизариш бўлмайди. Тиш атрофи тўқималари (пародонт) куйидаги сабаблар натижасида касалланади: оғиз бўшлиғи гигиенасига тўғри риоя қилмаслик, сифатсиз пломба, қолама, оқсил ва витаминлар етишмаслиги, наслий мойиллик, тишлар (тишлан)нинг бузилишлари, хомилдорлик, стресс, нотўғри танланган гигиена воситалари, лабни, лунжни тишлаш каби зарарли одатлар, брикетлар, оғиз юмшоқ тўқималари яллиғланиши, моддалар алмашинуви бузилганда, бир ёки бир нечта тишларнинг йўқлиги, гормонал бузилишлар, ошқозон ичак, буйрак касалликлари. Пародонтит кўп ҳолларда милклар яллиғлангандан, гингивит ва пародонтоздан сўнг келиб

чикади. Умуман олганда пародонтит касаллигини келиб чиқиш сабаблари кўп. Пародонт касалликларини ташхисини фақат врач пародонтолог амалга ошириши мумкин. Шунинг учун уни даволашда комплекс ёндашиш лозим бўлади.

Пародонтит касаллик белгилари:

- тишларни қимирлаши;
- милкларни қонаши ва оғиздан ёқимсиз хид келиши;
- тишлар чиқаётганда қийшайиши ва тишлар ораси очилиб қолиши;
- тиш ва милкларнинг йиринглаши;
- охирги белгиси кучли оғриқ.

Пародонтит касаллигини даволаш 2 ҳил: терапевтик ва жарохлик усулида олиб борилади. Пародонтитни енгил турида тишдаги тошлар эҳтиётлик билан олиб тозаланади ва дори тури белгиланади. Ўткир турида жарохлик йўли олиб борилади.

Пародонтит касаллигини даволашда ҳимояловчи ва даволовчи тиш пасталари қўлланилади. Бундай тиш пасталари оғиз бўшлиғини тозаловчи, ҳимояловчи ва даволовчи бўлади. Тиш пасталарини танлашда оғиз бўшлиғи (тишлар, милклар)ни ҳолати ҳисобга олиш лозим. Гигиеник тиш пасталари ҳаммага тўғри келади. Лекин уларни танлашда ўзига қулайини олиш лозим. Агарда тишларда тошлар йиғилган бўлса, тошларни йиғилишини камайтирувчи таъсирга эга бўлган тиш пасталари танланади. Тозаловчи хоссаси кучли бўлган тиш пасталари таркибида кўп ҳолларда пирофосфат ва рух бирга қўшилади. Бундай тиш пасталаридан фойдаланишдан олдин стоматолог билан маслаҳатлашилади. Пасталар таркибидаги абразив (тозаловчи) моддаларни миқдори кўп бўлиши тиш эмалини емирилишига олиб келади. Бундай пасталардан хафтада 1-2 марта фойдаланиш лозим.

Агарда милкларда қонаш, оғриқ пайдо бўлса бунда даволовчи ва ҳимояловчи тиш пасталаридан фойдаланиш лозим. Ёки "милкларнинг қонашига" деб кўрсатилган тиш пасталаридан фойдаланиш мумкин.

Албатта бундай пасталарни танлашда шифокор маслаҳати керак. Чунки пародонтит касаллигининг ҳар бир босқичига мос пасталардан қўлланилади[2]. Ҳозирги кунда химояловчи ва даволовчи тиш пасталаридан қуйидаги жадвалда келтирилганлари пародонтит касалигида қўлланилмоқда:

Динчак янги ёки эман пўстлоғи қайнатилган билан ҳар кунни ости-бу **Пародонтит касалигида қўлланилиб келинаётган химояловчи ва даволовчи тиш пасталари** қайта унут тасма қилинади. Игир илдизи, четан мевасининг даволовчи тиш пасталари 1-жадвал бўлиши кўрсаткичи бўлиши мумкин[54]. Халқ табиобатида қўллани

Пасталар номи	Ишлаб чиқарилаётган жойи	Таъсир этувчи моддаси
PARODONTAX	Германия	Мойчечак, қоқиўт экстрактлари
PRESIDENT Active	Швейцария	Гидроксиапатит, газанда барги дамламаси
PRESIDENT EXCLUSIVE	Швейцария	Гексидин, мойчечак экстракти
LACALUT Fitoformula	Белгия	Хлоргекеидин биглюканат, кўк чой экс. дамламаси
ПАРОДОНТОЛ Актив	Россия	Игир илдизи, четан мевасининг дамламаси
МЕКСИДОЛ ДЕНТ Астив	Украина	Мексидол

## 2. Пародонтоз касаллигини халқ табобатида даволаш усуллари

Пародонтоз касаллигини даволашда халқ табобатидан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Лекин доривор ўсимликларни қабул қилишдан олдин улар билан танишиб чиқиш лозим. Чунки улар орасида зарарли таъсирлилари ҳам учрайди[45].

Аччиқ чой ёки эман пўстлоғи қайнатмаси билан ҳар куни оғиз бўшлиғини чайиб туриш тавсия этилади. Қорақат меваси, газанда ўт барги, четан мевасининг дамламасини ичиш ва оғизни чайиш учун тавсия этилади. Игир илдизи, учбарг барглариининг дамламаси билан оғиз бўшлиғи кунига бир неча марта чайилади[54]. Халқ табобатини фойдали томонлари, даволовчи хусусиятлари кўп. Лекин ҳозирги кунда фақатгина халқ табобати билан чегараланиб қолиш керак эмас. Фитопаста таркибига халқ табобатида келтирилган бир нечта доривор ўсимликлар киритилди. Улар ёрдамчи моддалар билан биргаликда таъсири янада ошади. Бундан ташқари қулайлик томонлари билан ҳам афзалдир[5].

## 3. Паста дори турини сифатини баҳолаш усуллари ва унинг

**ривожланиши** бир хиллиги ва бошқа фанлар

Косметик воситалар ишлатилиши, ташқи кўриниши, консистенцияси ва структураси бўйича турли ҳил бўлиб, тайёрланиши ҳам ўзига хосдир. Косметик воситалар таркибига одатда 10 ҳил ёки undan ҳам ортиқ турли моддалар мақсадда қўшилади. Бунда косметик воситалар таркибига кирувчи моддаларнинг бир бирига мос келиши, миқдорининг тўғри танланиши ва тайёр маҳсулотнинг ҳар ҳил ҳароратда ва узок вақт давомида барқарор бўлиши талаб қилинади. Косметик воситалар асосини аксарият ҳолларда турли таркибли ёғли асослар, СФМ, эмульгаторлар, солибилизаторлар, структура ва парда ҳосил қилувчи, тўлдирувчи, консервант ва бошқа моддалар ташкил этади. Кўп косметик воситаларга фойдали биофаол моддалар (БФМ) ва хушбўйлаштирувчи моддалар қўшилади. Бунда косметик воситанинг сифатига қўйиладиган асосий

талаби – унинг безарарлигидир. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда барча косметик воситалар учун яратилган моддалар токсикологик текширувдан ўтказилади. Косметик воситаларни микробиологик барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг таркибига турли консервантлар қўшилади. Ҳар бир косметик восита учун қўшиладиган консервантларнинг тури ва миқдорини микробиологлар белгилайдилар. Косметик воситаларни харид қилишда харидоргирлигини ошириш ва ишлатишда маҳсулотни ёқимли бўлишини таъминлаш мақсадида маҳсулот таркибига турли хушбўй композициялар, тиш пасталари ва эликсирлари таркибига эса таъм корригентлари киритилади[38].

**Пасталар** - қуюқ консистенцияга эга, ёқимли ташқи кўринишига ва хидга эга бўлган, тиш ва милкларни парвариш қилишга мўлжалланган косметик восита. Истъемолчининг ёшига қараб пасталар катталар, ўсмирлар учун ва болалар учун ва кечкурун қўлланилади. Функционал таъсири бўйича озиклантирувчи, тозаловчи, оқартирувчи, даволовчи ва ҳимояловчи пасталарга бўлинади. Пасталарнинг сифати ДСТ ГОСТ 2918-91 ва ГОСТ Р 52343-2005 «Пасты.ОТУ» талабига жавоб бериши лозим. Пасталарни ташқи кўриниши: ҳиди ва ранги, бир ҳиллиги ва бошқа физик-кимёвий кўрсаткичлар бўйича баҳоланади. Пасталарни сифатини баҳолаш ГОСТ 29188.0-91 асосида амалга оширилади. Бунда паста намуналари танлаб олинади (тасодифий танлаб олиш йўли билан): 10 мингтагача донадан ташкил топган ҳар бир партиядан-6 донадан кам бўлмаган намуна, 10 мингта донадан кўп бўлган партиядан-3 донадан кам бўлмаган намуна, ҳар 5 мингта донадан ташкил топган партиядан -1 намуна танлаб олинади. Таҳлил қилиш учун ажратиб олинган намуналар бирлаштирилади ва массаси 150 г дан кам бўлмаган йиғма намуна ташкил қилади.

Пасталарни ГОСТ талабига жавоб беришини текшириш учун топшириш – қабул қилиш назорат тажрибалари ва вақти – вақти билан ўтказиладиган назорат тажрибалари мавжуд. Тайёр пастани топшириш

– қабул қилиш назорат тажрибаларда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади: ташқи кўриниши, ранги, ҳиди, рН кўрсаткичлари аниқланади. Тайёр пастада вақти – вақти билан ўтказиладиган назорат қилиш тажрибаларида қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади: маҳсулотнинг намлиги ва учувчан моддалар миқдори, термобарқарорлиги, оғир металллар миқдори ва микробиологик тозаллиги[39].

**Тиш пасталари.** Ушбу косметик воситалар оғиз бўшлиғини ва тишларни парвариш қилишга мўлжалланган бўлиб, улар гигиеник-профилактик ва даволовчи бўладилар. Кариесни олдини олиш учун улар таркибига кальций тузлари, кремний, рух ва фтор қўшилади. Пародонтозни олдини олиш ва даволаш учун ўсимлик экстрактлари (газанда, эман дарахти пўстлоғи, мойчечак, катта зубтурум, далачай, эвкалипт, исирик, ва бошқалар) қўшилб борилади.

Тиш пасталари порошоклар каби муҳим тозаловчи воситалар туркумига киради. Тиш пасталар таркибида абразив, гел ҳосил қилувчи, кўпик ҳосил қилувчи моддалар бўлиб, ундан ташқари ва кўп атомлик спиртлар – консервация қилиш учун, таъм ва хид корригентлари қўшилади. Тиш порошокларидан фарқли ўлароқ тиш пасталарининг абразивлик хоссаси кам, таъсир этиши фаолроқ ва ишлатиш учун қулай. Тиш пасталарининг сифатига стоматологлар баҳо берадилар. Бунда тиш пасталарнинг кариесга ва яллиғланишга қарши таъсири, абразивлиги, тозалаш ва реминераллаш (тиш минералларини тиклаш) хоссалари ўрганилади. Тиш пасталарни сифатини баҳолашда абразив моддаларнинг дисперслик даражасини, абразив моддаларнинг қаттиклигини, рН кўрсаткичини текшириш лозим. Гел ҳосил қилувчи моддалар ҳам тиш пасталарнинг консистенциясини белгилайдилар. Шунинг учун тиш пасталарнинг қовушқоқлиги, пластиклиги, гидроколлоид эритмаларнинг тиксотроп хоссалари ўрганилади. Кўпик ҳосил қилувчи моддалар кўпирмайдиган тиш пасталари таркибига - 0,2%, кўпирадиганларга эса 1,2-2% гача қўшилади. Тиш пасталари ташқи кўриниши (бир хиллиги, ранги,

ҳиди ва таъми), кальций ва магний карбонатлар миқдори -25-43%, глицерин – 10-33%, тозаланган сув – 19-45%, оғир металллар суммаси – 0,1% дан ошқик эмас, рН 7-10,3 кўрсаткичлари текширилади. Тиш пасталари тубалардан осон чиқарилиши, тиш чёткадан оқиб тушмаслиги лозим ва улар бу хоссаларини узоқ вақт сақлаб қолиши зарур. Бундан ташқари тиш пасталар таркибида фенол, эвгенол, савол, гексахлорофен, рух ва магний сульфатлари, эссенциялар, глицерин, кўп атомлик спиртлар ва азобўёқлар миқдори 1% ли эритмаларда аниқланади[40].

### **I Боб бўйича хулоса.**

Тиш пасталари тиш ва милкларни парвариши учун мўлжалланган юмшоқ восита. Тиш пасталарининг бактерицид хоссалари - уларнинг таркибига антимикроб моддаларни киритиш билан таъминланади. Пародонтит касаллигининг хавфли томони тишларни тушиб кетишидир. Кейинги навбатда сўлак қуюқлаша бошлайди. Тиш илдизи билан қизарган, шишган милклар орасида боғлиқлик бузилади ва аста секин тиш қимирлаб қолади, кейин эса тушади. Тиш атрофи тўқималари (пародонт) куйидаги сабаблар натижасида касалланади: оғиз бўшлиғи гигиенасига тўғри риоя қилмаслик, сифатсиз пломба, қоплама, оксил ва витаминлар етишмаслиги, наслий мойиллик, тишлар (тишлаин)нинг бузилишлари, хомиладорлик, стресс, нотўғри танланган гигиена воситалари, лабни, лунжни тишлаш каби зарарли одатлар, брикетлар, оғиз юмшоқ тўқималари яллиғланиши, моддалар алмашинуви бузилганда, бир ёки бир нечта тишларнинг йўқлиги, гормонал бузилишлар, ошқозон ичак, буйрак касалликлари. Фитопаста таркибига ҳалқ табобатида келтирилган бир нечта доривор ўсимликлар киритилди. Улар ёрдамчи моддалар билан биргаликда таъсири янада ошади. Бундан ташқари қулайлик томонлари билан ҳам афзалдир.

Ушбулик, оналик туғилга уч қонати, дастга жойлашган. Мамлака

сулҳурғанини, қолдирига жойлашган, ушун билди чўзиқ ёлғоқ.

## II. БОБ. ТАЖРИБА ҚИСМИ

### Объектлар тарифи ва ишлатилиши.

### ЭМАН (ДУБ) ПЎСТЛОҒИ — CORTEX QUERCUS



**Ўсимликнинг номи.** Оддий эман (дуб) (қўнғир эман, бандли ёки ёз дуби) — *Quercus robur* L, (*Quercus pedunculata* Ehrh.) ва бандсиз гулли эман (киш дуби) — *Quercus petraea* Liebl. (*Quercus sessiliflora*); қорақайиндошлар — *Fagaceae* оиласига киради. Оддий эман (дуб) бўйи 40 (баъзан 50) метрга етадиган дарахт.

Эман дарахтининг шохлари ёрилмаган қумуш рангли, танаси эса ёрилган қўнғир-қулранг тусли пўстлоқ билан қопланган. Барги патсимон бўлакли, умумий кўриниши чўзиқ-тескари тухумсимон бўлиб, пояда қисқа банди билан кетма-кет жойлашган. Гуллари бир уйли, бир жинсли, оталик гуллари сийрак, ингичка кучалага тўпланган. Гулкўрғони 5—9 та чизиқсимон-ланцетсимон бўлакка қирқилган, оталиги 5—10 та. Оналик гуллари 1—3 тадан бўлиб, уларнинг гулкўрғони яхши тараққий этмаган 6 бўлакли, оналик тугуни уч хонали, пастга жойлашган. Меваси — гулкўрғонининг қолдиғига жойлашган, узун бандли чўзиқ ёнғоқча.

**Географик тарқалиши.** Эман (дуб) дарахти Украина, Беларусь, Молдова, Болтиқ бўйи давлатлари, Россиянинг Оврупо қисмидаги кенг япроқли ва аралаш ўрмон зонасида кенг тарқалган. Украина, Россия Оврупо қисмининг жанубида эса дарёлар бўйида учрайди. Баъзан тоза эман ўрмонлари ташкил қилади. Эман дарахти паркларда, боғларда ва кўчаларда ўстирилади.

**Кимёвий таркиби.** Маҳсулот таркибида 7—20% (қари, усти ёрилган пўстлоқларда 4% гача) асосан пирогаллол гуруҳига кирувчи ошловчи моддалар, 2,6% галлат ва эллаг кислоталари, флавоноидлар (кверцетин ва бошқалар), флобафен ва бошқа бирикмалар бўлади.

XI ДФ га кўра маҳсулот таркибида ошловчи моддалар 8% дан кам бўлмаслиги лозим.

**Ишлатилиши.** Дуб пўстлоқидан тайёрланган доривор препарат буриштирувчи ва антисептик модда сифатида оғиз бўшлиғи касалликларида (гингивит, стоматит ва бошқалар) ҳамда томоқ шиллик пардасининг яллиғланишида, милқдан қон оққанда ҳамда оғизда хид пайдо бўлганда оғиз чайиш учун ишлатилади. Баъзан 20% ли қайнатма терининг куйган ерларини даволашда қўлланилади.

**Доривор препарати.** Қайнатма. Маҳсулот оғиз чайқаш учун ишлатиладиган чой - йиғмалар таркибига киради[42].

## ГАЗАНДА БАРГИ - FOLIA URTICAE



*Ўсимликнинг номи.* Икки уйли газанда (чаёнўт, чақонғич) – *Urtica dioica* L.; газандадошлар — *Urticaceae* оиласига киради.

Кўп йиллик, кўпинча икки уйли, бўйи 60—100, баъзан 150 см га етадиган ўсимлик. Илдизпояси ер остида судралиб ўсади. Пояси тик ўсувчи, тўмтоқ тўрт қиррали, шохланмаган, баъзан қарама-қарши шохланган. Барги оддий, тухумсимон, ўткир учли, сертук ва йирик аррасимон қиррали бўлиб, пояда банди билан қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда, яшил рангли, барг қўлтиғидан чиққан бошоққа тўпланган. Гули бир жинсли, гулкўрғони оддий, тўрт бўлакка қирқилган. Чангчи гулларида оталиги 4 та, уруғчи гулларида оналик тугуни бир хонали, юқорига жойлашган. Меваси - тухумсимон ёки эллипссимон, сариқ-кулранг тусли ёнғоқча. Ўсимликнинг ҳамма қисми ачитувчи туклар билан қопланган. Июнь ойининг ўрталаридан бошлаб кузгача гуллайди.

*Географик тарқалиши.* Йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, нам ва салқин ўрмонларда, аҳоли яшайдиган ерларга яқин жойларда, буталар орасида ва бошқа ерларда ўсади. Асосан Россиянинг Оврупо қисмида, Молдова, Украина, Беларусь, Болтиқбўйи республикалари, Кавказда, Сибирда, Узок Шарқда, Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда учрайди.

Маҳсулот асосан Бошқирдистонда, Волга дарёсининг ўрта қисмидаги туманларда, Россиянинг марказий вилоятларида, Украина, Беларусь ва Шимолий Кавказда тайёрланади

*Кимёвий таркиби.* Маҳсулот таркибида 100—1600 мг% витамин С, 4,52—7,58 мг % витамин К<sub>1</sub> ва В<sub>2</sub>, 14—50 мг % каротиноидлар, пантотен ва чумоли кислоталар, уртицин гликозиди, гистамин, 2—5% гача хлорофилл, флавоноидлар (кверцетин, изорамнетин, кемпферол ва уларнинг гликозидлари), фенол кислоталари, оз микдорда (2% дан ортиқроқ) ошловчи ҳамда бошқа моддалар бўлади.

*Ишлатилиши.* Газанда (чаянўт) ўсимлигининг препаратлари қон ивишини тезлатувчи ва бачадонни тонуловчи таъсирга эга. Шунинг учун улар бавосил касаллигида ҳамда акушерлик-гинекология амалиётида қон тўхтатувчи дори сифатида, варикоз сурункали яраларни даволашда, гипо-ваавитаминоз касалликларида қўлланилади. Баргдан олинган уртифиллин препарати яраларни ва куйганларни даволаш учун ишлатилади. Баргдан ажратиб олинган хлорофилл эса озиқ-овқат саноатида ва фармацевтика амалиётида бўёқ модда сифатида ишлатилади.

*Доривор препаратлари.* Дамлама, суюқ ва қуюқ экстрактлар, барг брикети, уртифиллин препарати (4% ли суртма эмульсия ҳолида). Маҳсулот меъда-ичак касалликларида ҳамда қон тўхтатиш учун ишлатиладиган чой - йиғмалар таркибига киради[44].

## ЧАКАНДА МОЙИ - OLEUM HIPPOPHAE



**Ўсимликнинг номи.** Жумрутсимон чаканда (чирқанок) — *Hippophaë rhamnoides* L., жийдадошлар — *Elaeagnaceae* оиласига киради.

Бўйи 4—5 м га етадиган икки уйли бута ёки дарахтча. Пояси сершоҳ ва тиканли бўлиб, кўнғир-яшил пўстлоқ билан қопланган. Барги оддий, чизиқсимон ёки чизиқсимон-ланцетсимон, текис қиррали, юқори томони кулранг-тўқ қизил, пастки томони эса оқ ёки кўнғир рангли юлдузсимон тангачалар билан қопланган, шунинг учун бироз сарғиш, кўнғир кулранг ёки оқ тусли бўлиб кўринади. Барглари пояда калта банди билан кетма-кет жойлашган. Гуллари бир жинсли, кўримсиз. Оталик гуллари майда, кумуш-кўнғир рангли бўлиб, калта бошоқчага тўпланган. Оталик гулидаги гулкўрғони 2 та эллипссимон баргчадан ташкил топган. Чангчилари (оталик-лари) 4 та. Оналик гуллари 2—5 тадан бўлиб, қиска банди билан шохчалар кўлтиғига ўрнашган. Оналик гулида гулкўрғони найчасимон, икки бўлакли, ички томони сариқ рангга бўялган. Оналик тугуни бир хонали, юқорига жой-лашган. Меваси — думалок ёки чўзикроқ, тўқ сариқ ёки қизғиш рангли, серсув, данакли мева.

Апрель-май ойларида гуллайди, меваси августдан бошлаб октябргача пишади. Мева тўкилмасдан келаси йил бахоргача ўсимликда сакланиб қолади.

*Географик тарқалиши.* Дарё, кўл ва денгизларнинг шағалли ҳамда кумли кирғоқларида, текислик ва тоғлардаги тўқайзорларда ўсади. Баъзи жойларда қалин чакалакзорлар ҳосил қилади. Асосан Ўрта Осиёда, Ғарбий ва Шарқий Сибирнинг жанубий туманларида, Украинада, Беларусда, Қора денгиз атрофларида, Молдовада, Қозоғистоннинг жанубида, Кавказда, Россиянинг Оврупо қисмининг жанубий туманларида учрайди.

*Кимёвий таркиби.* Чаканда мойи ярим курийдиган, қуюқ консистенцияли, тўқ сариқ рангли бўлиб, ўзига хос ҳидга ва мазага эга. Мой таркибида 180 - 300 мг% каротиноидлар (шу жумладан, 40— 100 мг каротин), 110—165 мг% витамин Е ва F , каротиноидлар, фолат кислота, флавоноидлар, ошловчи ва бошқа моддалар бўлади. Даволаш учун ишлатиладиган чаканда мойи сиқиб шираси олинган мевадан (кунжарадан) кунгабоқар мойида экстракция қилиб олинади.

*Ишлатилиши.* Чаканда мойи оғриқ қолдирувчи ва ярани тез битирадиган таъсирга эга. Радиоактив нурлар билан даволанганда унинг таъсиридан зарарланган тери, шиллик, пардалар, яралар ва куйган кизил ўнгач ҳамда меъда шиллик қаватлари, меъда яраси, витамин етишмаслигидан келиб чиққан авитаминоз ҳамда баъзи гинекологик касалликларни даволашда ишлатилади. Стоматология амалиётида стоматит , пульпит , пародонтит , милклар ялиғланганда кенг қўлланилади.

*Доривор препаратлари.* Чаканда мойи[44].

## ТУКЛИ БАРГЛИ ХАНДЕЛИЯ – FOLIA HANDELIA

